

Росулуллоҳнинг оқ сочлари, соч-соқолни бўяшлари ва сурма қўйишлари баёни

Шамоили Муҳаммадия китобига изоҳли ва эркин таржима

[Ўзбекча]

باب ما جاء في شيب و خشب و كحل رسول الله
ترجمة و تعلیقات حرة على كتاب الشمائل المحمدية للترمذی
[باللغة الأوزبكية]

Абу Ийсо Мухаммад ибн Ийсо ат-Термизий

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذى

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

ترجمة: عبد الله شريف

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

مراجعة: شمس الدين درغامي

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1430 – 2009

islamhouse.com

الحمد لله رب العالمين ولا عدوان إلا على الظالمين والصلوة والسلام على سيدنا محمد سيد المرسلين وإمام المتقيين وعلى آله وصحبه أجمعين.

(٥) باب ما جاء في شيب رسول الله

[وَفِيهِ (٨) أَحَادِيث]

37 - حدثنا محمد بن بشار أنا أبو داود أنا همام عن قتادة قال قلت لأنس بن مالك هل خصب رسول الله قال لم يبلغ ذلك إنما كان شيئاً في صدغيه ولكن أبو بك ر رضي الله تعالى عنه خصب بالحناء والكتم.

Қатодадан ривоят қилинишича айтадиларки: Анас розияллоҳу анхудан "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам соч соқолларини бўяғанларми?" -деб сўрасам, у киши бўяш даражасига етмаган эди. Оқ соч икки чаккаларида озгина бор эди холос, лекин Абу Бақр хина ва катм билан бўяр эди. -дедилар.

Изоҳ: Катмнинг шарҳида баъзи уламолар соч ёки соқол бўяшда ишлатиладиган, сиёҳ ранг берадиган ўсимликдир, уни хина билан арлаштирилса, қизғиши ранг келиб чиқади.- дейдилар.

38 - حدثنا اسحاق بن منصور ويجي بن موسى قالا ثنا عبد الرزاق عن معمر عن ثابت عن انس قال ما عدلت في رأس رسول الله وحبته إلا أربع عشرة شعرة بيضاء

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: У киши росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг соч ва соқолларида ўн тўрта оқ сочнинг саноғига етдим холос. -дейдилар.

39 - حدثنا معبد بن المثنى أنا أبو داود أنا شعبة عن سماك بن حرب قال سمعت جابر بن سمرة سئل عن شيب رسول الله فقال كان إذا ادهن لم ير منه شيب فإذا لم يدهن رؤي منه شيء

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг оқ соchlari ҳақида сўрашганда, у киши Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам соchlарини ёғласалар оқ

соchlари кўринмай қолар эди, агар ёғламасалар кўриниб қолар эди,-
дедилар.

40 - حدثنا محمد بن عمر بن الوليد الكندي الكوفي أنا يحيى بن آدم عن شريك عن
عبيد الله بن عمر عن نافع عن عبد الله بن عمر قال إنما كان شيب رسول الله نحوا من
عشرين شعرة بيضاء

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинишича у зот айтадиларки:
Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг оқ соchlари атиги йигирма
дона бор эди холос.

41 - حدثنا أبو كريب محمد بن العلاء أنا معاویة بن هشام عن شیبان عن أبي اسحاق
عن عكرمة عن ابن عباس قال قال أبو بكر يا رسول الله قد شبت قال شیبتنی هود
والواقعة والمرسلات وعم يتسائلون وإذا الشمس كورت

Ибн Аббосдан ривоят қилиниб айтадиларки: Абу Бакр розияллоҳу
анҳу ё Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам соч соқолингизга оқ
тушиб қарибсиз деганларида, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам
"Худ, Вокеа, Валмурсалат, Амма-ятасаъалун, Изашшамсу-куввирот
мени қаритди" -деб жавоб қилган эканлар.

42 - حدثنا سفيان بن وكيع أنا محمد بن بشر عن علي بن صالح عن أبي اسحاق عن
أبي جحيفة قال قالوا يا رسول الله نراك قد شبت قال قد شیبتنی هود وأخواتها

Абу Жухайфадан ривоят қилинади, у зот айтадиларки: Одамлар ё
Росулуллоҳ соч соқолларингизга оқ тушибди дедилар, шунда ҳа мени
Худ ва унинг шериклари қаритди -деган эканлар.
Изоҳ: яъни аввалги ҳадисда исм зикр қилинган суралар.

43 - حدثنا علي بن حجر قال أربأنا شعيب بن صفوان عن عبد الملك بن عمير عن
إياد بن لقيط العجلي عن أبي رمثة الشيمي قيم الباب قال أتيت النبي ومعي ابن لي قال
فأريته فقلت لما رأيته هذا نبي الله وعليه ثوبان أخضران وله شعر قد علاه الشيب
وشيبة أحمر

Абу Римса Таймий -Тайму-Роббаб- дан ривоят қилиниб у зот
айтадиларки: Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг
хузурларига бордим, мен билан биргага ўғлим ҳам бор эди, Росулуллоҳ

саллаплоҳ алайҳи васалламни менга кўрсатилди, мен у зотни кўрган заҳоти, бу Аллоҳнинг ҳақ Пайғамбари деб ўзимда ишонч ҳосил қилдим. Эгниларида иккита яшил либос бор эди ва соchlарига оқ оралаган ва у оқлари қизил эди.

44 - حدثنا أَحْمَدُ بْنُ مُنْيَعَ حَدَّثَنَا حَادِثًا حَدَّثَنَا سَرِيعُ بْنُ النَّعْمَانَ حَدَّثَنَا حَادِثًا حَدَّثَنَا سَلْمَةً عَنْ سَمْكِ بْنِ حَبْرٍ قَالَ قَيلَ لِجَابِرِ بْنِ سَمْرَةَ أَكَانَ فِي رَأْسِ رَسُولِ اللَّهِ شَيْبٍ قَالَ لَمْ يَكُنْ فِي رَأْسِ رَسُولِ اللَّهِ شَيْبٌ إِلَّا شَعْرَاتٌ فِي مُفْرَقِ رَأْسِهِ إِذَا أَدْهَنَ وَارَاهُنَ الْدَّهْنُ

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади: Росулуллоҳ саллаплоҳ алайҳи васалламнинг соchlарida оқ бормиди деб сўрашганда, у киши шундай жавоб қилган эканлар. Росулуллоҳ саллаплоҳ алайҳи васалламнинг соchlарida оқ йўқ эди, фақатгина соchnинг иккига фарқлаш ўрнида озгина оқ соч бўлиб, агар сочни ёғласалар у ёғ оқ сочни билинтиrmай қўярди.

Изоҳ: Яъни Росулуллоҳ саллаплоҳу алайҳи васалламнинг оқ соchlари жуда оз бўлғанлиги учун, соч учун ишилатиладиган ёғнинг ўзи билан ҳам оқ соchlар кўзга кўринмайдиган бўлиб қолар экан.

Бу ҳадисдаларда албатта ёшлиқ чоғларини айтилмай, балки олтмиш ёшдан ўтиб кексайиб қолган ҳолатларини сифатланияпти, аввалги дарсларимиизда айтиб ўтганимиздек пайғамбарлар келишган қоматларда бўлиб, мусибатларни кўтаришда сабрли ва забардаст, руҳиятлари баланд инсонлар бўлишади, бундан ташқари уларнинг қалбларида дунё муҳаббати йўқ, қўлларига келган дунё учун бошқалар каби танага сиғмай хурсанд бўлишмайди, қўлдан кетганига ёки қўлга кирмаганига аттанг қилиб қайғурмайдилар. Чунки улар бу дунёning фоний бебақолигида ва Аллоҳнинг наздида пашшанинг қанотичалик ҳам эътибори йўқлигига ҳеч қандай шак қилмай, дорул-бақо охират ғамида ҳаёт кечирадилар. Росулуллоҳ саллаплоҳу алайҳи васалламнинг соч соқолларида оқ соч кам бўлиши охират ҳаёти ҳақиқий, абадий, мангу ҳаёт бўлғанлиги учун ҳам бўлса керак, ва у оқ соchlарининг сабаби ҳам бошқа инсонлардаги оқ соchlарнинг сабабидан ўзгачадир, бунинг сабабини Росулуллоҳ саллаплоҳу алайҳи васаллам ўзлари шу ҳадисларда баён қилганликлари ўтди.

6- Боб.

Ушбу боб Росулуллоҳ саллаплоҳу алайҳи васалламнинг оқ соchlарини қизил рангга бўяғанлари ҳақидадир. Бу бобда тўрта ҳадис зикр қилинади.

() بَابُ مَا جَاءَ فِي خَضَابِ رَسُولِ اللَّهِ (6)
وَفِيهِ (4) أَحَادِيثٍ

45 - حدثنا احمد بن منيع حدثنا هشيم حدثنا عبد الملك بن عمير عن إياد بن لقيط قال أخبرني ابو رمثة قال أتيت رسول الله مع ابن لي فقال ابنك هذا ؟ فقلت نعم أشهد به قال لا يجني عليك ولا تجني عليه قال ورأيت الشيب احمر قال أبو عيسى هذا أحسن شيء روي في هذا الباب وأفسر لأن الروايات الصحيحة أن النبي لم يبلغ الشيب وأبو رمثة اسمه رفاعة بن يشربي التيمي

Абу Римса айтадилар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига ўғлим билан бордим бу ўғлингми? дедилар. Мен ҳа унга шоҳид бўлиб қўйинг дедим. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам у сенга ва сен унга жиноят қилмайсан дедилар. Ҳадиснинг давомида мен оқ соchlарини қизғиш рангда кўрдим. -дейди ровий.

Изоҳ: Шарҳловчилар ё бирор унинг ўғли эканлигига шубҳа қилар эди, ёки жсоҳилият давридаги қонун қоидаларга кўра ота ўғилниниг жиноятига жавобгар бўлғанлиги учун, шундай деб у ўзига Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни шоҳид қилмоқчи бўлади, шунинг учун ҳам яъни унинг жинояти учун сен, сенинг жигоятинга у жавобгар эмас деб жавоб қилганлар -дэйишади.

Абу ийсо Термизий айтадиларки: бу ҳадис шу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг маъқули чунки, бошқа сахиҳ ривоятларда ҳам Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам оқ соchlик даврига етмаганлар -дэйилган. Абу Римсанинг исми Рифоаът ибн Ясирий Аттаймийдир.

46 - حدثنا سفيان بن وكيع قال حدثنا أبي عن شريك عن عثمان بن موهب قال سهل أبو هريرة هل خضب رسول الله قال نعم قال أبو عيسى وروي أبو عوانة هذا الحديث عن عثمان بن عبدالله بن موهب فقال عن أم سلمة

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам соchlарини бўяганларми деб сўрашганда, ҳа деган эканлар. Абу ийсо Термизий бу ҳадисни Абу Авона ҳам Усмон ибн Абдуллоҳ ибн Мавҳабдан ривоят қилиб, У умму Саламадан ривоят қилади. -деган эканлар.

47 - حدثنا إبراهيم بن هارون قال أئبنا النضر بن زرارة عن أبي جناب عن إياد بن لقيط عن الجهمة إمرأة بشير ابن الخصاصية قالت أنا رأيت رسول الله يخرج من بيته ينفض رأسه وقد اغتسل وبرأسه ردغ أو قال ردغ من حناء شك في هذا الشيخ

Башир ибн ал-Хасосиянинг хотини Жаҳдама исмлик аёлдан ривоят қилинади, у аёл айтадики: Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни уйларидан соchlаридаги намликин қўллари билан сирғитиб, чиқаётганларини кўрдим, у киши ғусл қилган эканлар. Ўшандада соchlари хина билан бўялган эди.

48 - حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن حدثنا عمرو بن العاص حدثنا حماد ابن سلمة حدثنا حميد عن أنس قال رأيت شعر رسول الله مخصوصاً قال حماد وأخبرنا عبد الله بن محمد بن عقيل قال رأيت شعر رسول الله عند أنس بن مالك مخصوصاً

Анас розияллоҳу анҳудан айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни соchlари бўялган ҳолда кўрдим. Ҳаммод айтадиларки: Бизга Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Ақил хабар қилишларича, у киши Анас розияллоҳу анҳу да Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бўялган соchlарини кўрган эканлар.

Изоҳ: Саҳобалар Аллоҳ улардан рози бўлсин Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг барокотларига жуда ҳарис бўлишарди. Шунинг учун сахиҳ ривоятларда келишича, у зотнинг соchlарини умрада олдирган вақтларида, тақсимлам олишган эдилар. Баъзиларидан тирноқларини сақлаб юрганликлари ва яъна бошқа ривоятларда ухлаганларида, бадан терларини ҳам артиб олганликлари, айтилган. Албатта бу нарсаларида барака бўлиши бешақдир.

7-Боб

Еттинчи боб Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сурма қўйишларида келган ҳадислардир, бу бобда бешта ҳадис ривоят қилинади.

(7) بَابٌ مَا جَاءَ فِي كَحْلٍ رَسُولُ اللَّهِ وَفِيهِ (4) أَحَادِيثٍ

49 - حدثنا محمد بن حميد الرازي أبا أبو داود الطيالسي عباد بن منصور عن عكرمة عن ابن عباس رضي الله عنهما أن النبي قال اكتحلوا بالإثم فإنه يجلو البصر وينبت الشعر وزعم أن النبي له مكحلة يكتحل منها كل ليلة ثلاثة في هذه وثلاثة في هذه

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан айтадиларки: Розулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам исмид сурмасини қўзга суртинглар, чунки у қўзни равшан қиласди ва киприкларни ўстиради дедилар. Ровий айтишича: Ибн Аббос Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўз учун хос сурмадонлари бор эди. ҳар кеча икки қўзларига уч мартадан суртар эдилар деган эмиш.

Изоҳ: Исмид қўзга қўйиладиган сурмаларнинг бир тури.

50 - حدثنا عبد الله بن الصباح الهاشمي البصري حدثنا عبيد الله بن موسى أنا إسرائيل عن عباد بن منصور (ح) وحدثنا علي بن حجر ثنا يزيد بن هارون حدثنا عباد بن منصور عن عكرمة عن ابن عباس قال كان النبي يكتحل قبل أن ينام بالإثمد ثلاثة في كل عين وقال يزيد بن هارون في حديثه إن النبي كانت له مكحلة يكتحل منها عند النوم ثلاثة في كل عين

Ибн Аббосдан ривоят қилинади. У зот айтадиларки: Ресулуллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам ухлашдан аввал ҳар икки кўзларига уч маротаба исмид сурмасини қўяр эканлар ва яъна ибн Аббос Язид ибн Ҳорун айтишларича: набий саллаллоҳ алайҳи васалламнинг сурмадонлари бўлиб ҳар кеча уйқу вақтида икки кўзларига уч маротабадан суртар эканлар -дейдилар.

Изоҳ: Кечаси уйқудан аввал қўйшиликларини сири, чунки ҳамма кўзга қўйиладиган дориларни ҳам одатда инсон ухлашидан аввал қўйилса кўзга яхши таъсир ўtkазади, шунингдек сурма ҳам шулар жумласидандир.

51 - حدثنا أَحْمَدُ بْنُ مُنْيَعَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَزِيدَ عَنْ إِسْحَاقِ عَنْ مُحَمَّدٍ بْنِ الْمُنْكَدِرِ عَنْ جَابِرٍ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ بِالإِثْمَدِ عَنْ النَّوْمِ فَإِنَّهُ يَجْلُوُ الْبَصَرَ وَيَبْيَتُ الشِّعْرَ

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади. У киши айтадиларки: Ресулуллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам ухлаш олдидан исмидни ишлатинглар, чунки у кўзни равshan қиласида ва киприкларни ўстиради деганлар.

52 - حدثنا قتيبة بن سعيد قال بشربن المفضل عن عبد الله بن عثمان بن خثيم عن سعيد بن جبير عن ابن عباس رضي الله عنهما قال قال رسول الله إن خير أحوالكم الإثمد يجلو البصر وينبت الشعر

Ибн Аббосдан ривоят қилиниб айтадиларки: Ресулуллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам энг яхши сурмаларингиз исмиддир, у кўзни равshan қилиб, киприкларни ўстиради -деб марҳамат қилган эканлар.

53 - حدثنا إبراهيم بن المستمر البصري ثنا أبو عاصم عن عثمان بن عبد الملك عن سالم عن ابن عمر قال قال رسول الله علیکم بالإثمد فإنه يجلو البصر وينبت الشعر

Ибн Умардан ривоят қилинади айтадиларки: Ресуллорох саллаллоху алайхи васаллам исмид ишлатинглар, чунки у кўзни равшан қиласи ва киприкларни ўстиради -дедилар.

Изоҳ: Бу ҳадисларнинг мазмани нима мақсадда ишлатганликлари ҳақида бош қотиришишимизга ўрин қолдирмади десак янглишишмаймиз ин шаъаллоҳ чунки, Ресуллорох саллаллоху алайхи васалламнинг ўзлари ишлатиш хикматини баён қилиб бердилар ва у хикмати кўзни равшанлашилик ва киприкни ўстиришидир, қолаверса у Ресуллорох саллаллоху алайхи васаллам ишлатганликлари учун бизларга суннатидир.

Ислом дини мусилмонларни ўзларига эътибор бериб, чиройли тусда кўринишларига чорлайди. Аллоҳ таоло гўзалдир ва гўзалликни яхши кўради -деб ҳадис ҳам келган ва касалликларни олдини олишларига ундан, уларни дунё лаззатларидан маҳрум қилмай, балки уни унитмасликларини уларга уқтиради.

Дарсимиш сўнгида Аллоҳ таолодан дунё ва охиратимизни обод қилишини сўраймиз ва дўзах оташидан ўзи бизларни сақласин.

وآخر دعوانا إِنَّ الْحَمْدَ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ.